

Тошкент шаҳар Шайхонтохур  
туман ҳокими ҳузуридаги тадбиркорлик  
субъектларини Давлат рўйхатидан  
ўтказиш инспекциясининг  
2008 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги  
« \_\_\_\_\_ » сонли реестр рақами  
билан рўйхатга олинган

«Т А С Д И Қ Л А Й М А Н»  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлиги Бош директори

\_\_\_\_\_ Б.Алимов  
2008 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

**«O‘ZBEKISTON MILLIY ENSIKLOPEDIYASI»**  
**DAVLAT ILMIIY NASHRIYOTINING**  
**У С Т А В И**

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**1.1.** «O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyoti (бундан буён «Нашриёт» деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 мартдаги 154-сонли ва 2004 йил 11 июндаги 274-сонли қарорлари ҳамда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг 2004 йил 16 июндаги 50-сонли буйруғига мувофиқ Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти (Шайхонтоҳур туман ҳокимиятида 1991 йил 26 сентябрь №225/18-97-сонли қарори билан рўйхатдан ўтган) ва Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриётининг (Шайхонтоҳур туман ҳокимиятида 1995 йил 15 март №327/3-сонли қарори билан рўйхатдан ўтган) ўз таркибига қўшилиши асосида қайта ташкил этилган ва уларнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Рус тилида нашриёт номи: Государственное научное издательство «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»

Нашриётнинг қисқача номланиши:

ўзбек тилида – «ЎЗМЭ» ДИН

рус тилида – ГНИ «УЗМЭ»

**1.2.** Муассис: Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги.

**1.3.** Нашриёт ўз фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда меъёрий ҳужжатлари, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг буйруқлари, шунингдек, ушбу Уставга амал қилади.

**1.4.** Нашриёт:

– нашриёт юридик шахс ҳисобланади.

– ўзига тезкор бошқариш учун берилган мулк негизида ташкил этилган давлат корхонаси ҳисобланади, биркитилган мулкдан қонунда белгиланган доирада, ўз фаолияти мақсадларига, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги топшириқларига ҳамда эгалик қилиш ҳуқуқидаги мулкдан мақсадга мувофиқ фойдаланишни ва уни тасарруф этишни амалга оширади;

– ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинган мулкига эга бўлади. Ўз номидан мулкий ва номулкий ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, суд олдида даъвогар ва жавобгар бўлиши, низоларни ҳал қилишда бошқа органларда вакиллик қилиши мумкин;

– ўзини-ўзи бошқариш ва хўжалик ҳисобини юритиш тамойиллари асосида фаолият юритади;

– ўз фаолиятида муассис олдида – Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига ҳисобот беради.

**1.5.** Нашриёт мустақил балансга, хўжалик юритиш ҳисобидан пайдо бўлган кўчмас мулкга, банкдаги ҳисоб-рақамларига, валюта ҳисоб-рақамларига, рамзи, штамплари ва давлат тилида ўз номи ҳамда манзили кўрсатилган махсус бланкларга эга бўлади. Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган, нашриёт номи давлат тилида ёзилган муҳрга эга бўлади.

**1.6.** Нашриёт нъз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли барча мол-мулки билан жавобгардир. Муассис нашриётнинг мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас ва унинг фаолиятига боғлиқ зарарларни тўлашни кафолатламайди. Нашриёт ҳам муассиснинг мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас.

**1.7.** Нашриёт муассис розилиги билан қонун ҳужжатларига мувофиқ тижорат ташкилотлари, шунингдек уларда юридик шахсларнинг қатнашишига йўл

қўйиладиган нотижорат ташкилотлар қатнашчиси (аъзоси) бўлиши мумкин.

**1.8.** Нашриёт давлат рўйхатидан ўтган пайдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади.

**1.9.** Нашриётнинг манзили: 100129, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-уй.

## **II. НАШРИЁТНИНГ ФАОЛИЯТ ЙЎНАЛИШИ, МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ**

**2.1.** Нашриётнинг асосий фаолияти жамият ҳаётининг барча соҳалари бўйича энциклопедик нашрлар, луғатлар, маълумотномалар, ўзбек халқининг тарихий, маданий мероси, кадриятлари, тиббиёт, спорт ва бошқа нашрларга бўлган аҳоли эҳтиёжини қондиришдан иборат.

**2.2.** Нашриёт соҳалар бўйича энциклопедиялар, луғатлар, маълумотномалар, тарих, иқтисодиёт, маданий мерос, тиббиёт, спорт ва жисмоний тарбия ва бошқа адабиётларни нашр этади. Олий ўқув юртлари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, ўрта мактаблар учун дарслик, ўқув қўлланмалари чоп этади. Нашриёт ўз фаолиятида узлуксиз таълим тизимининг тарих, иқтисодиёт, миллий маданий мерос, тиббиёт, биология, кимё, информатика, математика, техника, спорт ва жисмоний тарбияга оид дарсликларни нашр этишга устувор аҳамият беради. Нашриёт, шунингдек, илмий-оммабоп, бадиий, илмий-техника, туризм, халқ мероси, миллий кадриятларга оид адабиётлар чоп этади, ички ва ташқи бозор, китобхонлар эҳтиёжи ва китоб савдоси ташкилотлари, хорижий фирмаларнинг ҳамда бошқа ташкилотлар буюртмаларини ҳисобга олган ҳолда, китоб-журнал ва тасвирий санъатга доир адабиётлар, тақвим ва плакатлар, канцелярия моллари, бланклар, этикеткалар нашр этади, ташкилотлар, корхоналар, ширкатлар ва фуқароларга тижорат ва воситачилик хизмати кўрсатади.

**2.3.** Нашриёт ўз нашрларининг ғоявий-илмий савиясига алоҳида эътибор бериб, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётда эришган ютуқларини, халқимизнинг кўп асрлик бой тарихи, фани, маданияти, кадриятлари, ўзбек тилининг кенг имкониятлари, мамлакатимизнинг жаҳон маданияти тараққиётида тутган ўрни ва аҳамиятини атрофлича илмий акс эттиришга, тарихий воқеа ва ҳодисаларга, шахсларга ҳолисона баҳо беришга ҳамда уни оммага етказишга ҳаракат қилади.

### **2.4. Қўшимча фаолият турлари:**

- халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш;
- воситачилик ва савдо воситачилик ва савдо-сотик фаолияти, улгуржи, чакана ва комисион савдо билан шуғулланиш;
- нашр этилган маҳсулотлар ярмаркаларини, кўرғазмаларини ташкил этиш ва ўтказиш;
- аҳоли, корхона ва ташкилотларга турли хизматлар кўрсатиш;
- компьютер ишларини бажариб бериш, қўлёзмаларни адабиёт ва техникавий таҳрир қилиш, таржималар қилиб бериш, турли безаш ва дизайн ишларини бажариш, оригинал макет тайёрлаш, реклама хизматини кўрсатиш;
- консалтинг, маркетинг хизматларини амалга ошириш.

## **III. МУАССИСНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАР**

### **Муассиснинг ҳуқуқлари:**

- умумий раҳбарликни амалга оширади, нашриёт фаолиятининг мақсади,

предмети, турларини белгилайди;

– ўзи таъсис этган наشريёт Устави ва тузилмасини тасдиқлайди ва унга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритади;

– наشريёт директори, директор ўринбосарларини вазифасига тайинлайди ва улар билан тузилган меҳнат шартномасини меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муддатидан олдин тўхтатишга ҳақли;

– наشريётни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади, тугатиш комиссиясини тайинлайди ва тугатиш балансларини тасдиқлайди;

– наشريёт мулкига оид битишувларни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақли;

– зарурат туғилганда Вазирлар Маҳкамасига наشريётни хусусийлаштириш ёки давлат тасарруфидан чиқариш бўйича таклиф киритади;

– наشريётга етказилган зарарларни ундириш тўғрисида наشريёт раҳбарига нисбатан даъво тақдим этиш ҳуқуқига эга;

– наشريётнинг қонунчиликка, Устав қоидаларига риоя этишини, унинг иқтисодий-молиявий фаолиятини, фойдани тақсимлаш масалаларини назорат қилади;

– босма маҳсулотларнинг қонун талаблари, Давлат стандартларига мослигини назорат қилади;

#### **Муассиснинг мажбуриятлари:**

– наشريёт раҳбарларини тайинлайди, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ улар билан меҳнат шартномасини тузади;

– ҳар йили наشريётнинг бизнес-режасини тасдиқлайди ва ҳар чоракда унинг ижроси бўйича ҳисобот эшитади;

– наشريётга берилган давлат мулкidan мақсадли фойдаланишини ва сақланишини, наشريётга тегишли мулкни тасарруф этиш учун рухсатномалар бериши ва бу масалада Давлат мулк қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси билан келишиши;

– наشريётнинг Устав жамғармасини шакллантиришда иштирок этади, уни молиявий ҳамда қоғоз ва бошқа матбаа материаллари билан таъминлашда ёрдам кўрсатади;

– наشريётда мавжуд бўлган давлат мулкidan мақсадли фойдаланишини ва сақланишини, шунингдек унинг бегонлаштирилишни назорат қилади;

– қонуний манфаатларини давлат муассасалари, хорижий наشريётнинг давлатлар олдида ҳимоя қилади;

– наشريётнинг ривожланишига кўмаклашади;

– заруратга кўра наشريётни қайта тузиш ва тугатиш чораларини кўради.

## **IV. НАШРИЁТНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**4.1.** Нашриёт ўз Уставида белгиланган қоидалар доирасида муассис билан келишилган ҳолда хўжалик юритувчи субъект сифатида фаолият кўрсатади.

**4.2.** Ўзининг мустақил баланси, мулки, Устав жамғармаси, айланма маблағи, ишлаб чиқариш, моддий-техника воситаларидан қонун доирасида фойдаланади.

**4.3.** Кўчмас мулк ва мол-мулкларни тасарруф этишда муассис билан келишилган ҳолда амалга ошириш, наشريёт тузилмасини такомиллаштириб бориш ва жамоа манфаатини кўзлаб уни ўзгартириш, қўшимча хизматлар ташкил этишга

ҳақлидир.

**4.4.** Нашриёт мавзулар бўйича нашр режасини тузади ва тасдиқлайди. Ўз фаолиятини мустақил режалаштиради ва хом ашё ресурслари ва материалларнинг мавжудлигини ҳамда чиқарилаётган маҳсулотларга бўлган талабларни ҳисобга олиб, тараққиёт истиқболларини белгилайди.

**4.5.** Нашриёт барча босмаҳоналар, ташкилотлар ва муаллифлар билан шартнома асосида иш олиб боради.

**4.6.** Нашриёт маҳсулотларини ўз фирма дўкони орқали мустақил равишда ёки давлат савдо тармоқлари, матбуот тарқатиш идоралари ёки хусусий савдо корхоналари ҳамда хусусий китоб тарқатувчилар орқали сўм ёки эркин алмаштириладиган валютада, пул ўтказиш йўли билан сотишга ҳақлидир.

**4.7.** Нашриёт Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўзига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун молиявий операциялар ўтказишга ҳақлидир. Бунинг учун у фирма дўконлари очиш, ҳаракатдаги савдо шаҳобчаларидан фойдаланиш, ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириш, экспорт-импорт операцияларини бажариш ҳуқуқига эга. Нашриёт хорижий фирмалар билан бевосита алоқа ўрнатиш учун контракт-шартномалар тузади. Ўзбекистон Республикасида ва чет элларда қўшма нашр маҳсулотлари нашр этади, хорижий бозор конъюктурасини ўрганиш ишларини амалга оширади. Хорижий ва республикадаги шериклари билан корхоналар, қўшма корхоналар ташкил этади.

**4.8.** Нашриёт ўзига тегишли бинолар, иншоотлар, ускуналар, асбоблар, маданий-маърифий ва соғломлаштириш мақсадлари учун мўлжалланган мулкларни муассис билан келишилган ҳолда тасарруф этишга, пул маблағлари ва бошља қимматбаҳо қоғозларга ҳамда ушбу Уставда кўзда тутилган бошқа фаолиятларни моддий таъминлаш учун зарур бўлган маблағларга эгалик қилиши мумкин.

**4.9.** Нашриёт Устав жамғармасидан ташқари бошқа жамғармалар ҳам барпо этиши мумкин. Ижтимоий, захира жамғармалари, ишлаб чиқаришдаги фавқулодда ҳодисалардан ҳимояланиш жамғармаси шулар жумласидандир.

**4.10.** Моддий рағбатлантириш тартибини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди ҳамда муддатларини белгилайди.

**4.11.** Нашриёт ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, молиявий-техникавий таъминлаш, бошқа масалаларда ўз муассиси бўлган Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги амалий ҳамда маслаҳат ёрдамидан фойдаланади ва унинг кўрсатган хизматлари учун тўловларни, хўжалик ҳисобидан шаклланадиган маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбаалар ҳисобига шартнома асосида амалга оширади.

## **V. НАШРИЁТНИНГ МУЛКИ ВА МАБЛАҒЛАРИ**

«O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyoti mulki:

**5.1.** Нашриётнинг Устав жамғармаси 14 млн. сўмни ташкил этади.

**5.2.** Муассис – Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан нашриётга тезкор бошқариш ҳуқуқи билан бириктирилган мулк.

**5.3.** Нашриётнинг ўз фаолиятдан олинган даромадлари ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобига олинган даромадлар.

**5.4.** Нашриётнинг мулки бўлинмас мулк деб ҳисобланади ва ушбу давлат мулкани тезкор бошқариш ҳуқуқи-муассис ва корхона раҳбари томонидан

топшириш-қабул қилиш далолатномаси имзоланган вақтдан бошлаб пайдо бўлади.

**5.5.** Нашриётнинг балансидаги бўлинмас мулк ва қўшилган ҳиссалар (улушлар, пайлар), нашриёт корхонаси ходимлари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас.

**5.6.** Нашриётнинг мулкни тасарруф этиш қуйидаги ҳолларда муассис билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

– асосий воситаларни сотиш, уларни ижарага ёки гаровга топшириш;

– мулкни хўжалик жамияти Устав фондига улуш сифатида қўшиш;

– хўжалик жамиятларининг акциялари (улушларини) сотиб олиш;

– хўжалик жамиятлардаги давлат корхонасига тегишли акцияларни (улушларни) сотиш;

– мулкни нашриёт фаолияти мақсадларига мувофиқ бўлмаган бошқача тарзда тасарруф этиш;

**5.7.** Нашриёт мулкнинг қиймати мустақил балансида акс этирилади;

**5.8.** Жорий йилда фойдаланилмай қолган маблағлар олиб қўйилмайди, келгуси молия йилига ўтказилади.

## **VI. НАШРИЁТГА ИЛМИЙ-ТАҲРИРИЙ РАҲБАРЛИК**

**6.1.** «O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyotiga илмий-методик раҳбарликни жамоатчилик асосида иш олиб борувчи Бош таҳрир ҳайъати амалга оширади. Бош таҳрир ҳайъати таркибига йирик олимлар, жамоат арбоблари, нашриёт раҳбарлари киради.

Бош таҳрир ҳайъати йирик энциклопедик нашрларнинг ғоявий, илмий, таҳририй ва бадий даражасини оширишда, мақолалар мезонини белгилашда, сўзликларни тасдиқлашда, мураккаб ва мунозарали масалаларни ҳал этишда бевосита қатнашади. Унинг йиғилишлари камида ҳар ярим йилда бир марта ўтказилади. Бош таҳрир ҳайъати аъзоларининг исм-фамилиялари рўйхати йирик энциклопедиялар сарварағида бериб борилади.

**6.2.** Нашриёт ҳузурида фан соҳалари бўйича жамоатчилик асосида илмий-маслаҳат кенгашлари ҳам тузилади. Унинг аъзолари Бош таҳрир ҳайъати аъзолари раҳбарлигида ишлайди ҳамда муайян соҳанинг сўзлиги ва мақолаларини кўриб чиқади ва тасдиқлайди.

## **VII. НАШРИЁТ РАҲБАРИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ**

**7.1.** Нашриётни директор бошқаради. Уни лавозимга Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Бош директори тайинлайди ва вазифасидан озод қилади.

**7.2.** Директор нашриёт номидан ишонч хатисиз иш тутати, нашриёт номидан барча муассаса, корхона ва ташкилотларда ваколатли ҳисобланади, нашриётнинг бутун ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятини моддий жихатдан таъминлайди, маблағлар ва ашёларни тежаб сарфлаш бўйича зарур чоралар кўради, шартномалар тузади, ишонч хатлари, шу жумладан бошқа одамларга ишонч ҳуқуқини топширади, банкларда ҳисоб рақамлари ва бошқа рақамларни очади.

**7.3.** Директор Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексига мувофиқ ходимларни ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади, ўзгартиради ва тўхтатади, буйруқлар чиқаради. Ишчи ва хизматчилари билан меҳнат

муносабатларини амалдаги меҳнат қонунчилиги асосида ишлаб чиқилган жамоа шартномаси ва ички меҳнат тартиби бўйича олиб боради. Нашриёт фаолиятига доир Устав ва тартибларни белгилайди. Директор ўринбосарлари ва нашриётнинг бошқа ходимлари ваколатига кирадиган масалаларни ҳамда уларнинг амалий вазифаларини белгилаб беради. Ишларни бажариш учун ўриндошлик шартлари бўйича юқори малакали мутахассисларни жалб қилади, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдори ва тартибини белгилайди.

**7.4.** Бевосита ёхуд ташқи савдо ташкилотлари орқали экспорт-импорт операциялари ўтказилади.

**7.5.** Ходимларнинг лавозим маошларига устама ҳақ тўлаш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, ишлаб чиқариш кўрсаткичларини, ходимларга бериладиган мукофот пули миқдори ва муддатларини белгилаш ҳуқуқига эгадир.

**7.6.** Нашриёт директорининг ўринбосарлари директор тавсиясига кўра, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Бош директори томонидан тайинланади ва вазифасидан озод қилинади. Нашриётнинг бош бухгалтери, бош иқтисодчиси ва ишлаб чиқариш бўлими бошлиғини тайинлашда муассиснинг розилигини олади.

**7.7.** Нашриёт тузилмаси ва лавозимлари «O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyoti директори томонидан тасдиқланади.

**7.8.** Нашриёт директори, директорнинг биринчи ўринбосари ва бош ҳисобчи молиявий ҳужжатларга имзо чекиш ҳуқуқига эга.

**7.9.** Нашриёт директори ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва вазифаларини бажаришда нашриёт манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиши керак ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловларнинг, иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши, меҳнат ҳуқуқлари ва муносабатларидан ҳамда уларга тенглаштирилган тўловлардан келиб чиқадиган барча талабларнинг қондирилиши, ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган эҳтиёжлар учун пул маблағларининг ўтказилмаганлиги, ўзининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли, шу жумладан нашриётга берилган давлат мулки йўқолган тақдирда нашриётга етказилган зарарлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

**7.10.** Нашриёт директори муассис билан келишилган ҳолда филиаллар очиш ва тугатиш масалаларини ҳал қилиш ҳуқуқига эга. Ташкил этилган филиал нашриёт номидан тасдиқланган Низомлар асосида фаолият кўрсатади ва уни ташкил этган нашриёт мулкига эга бўлади.

## **VIII. НАШРИЁТНИНГ ФОЙДАСИ**

**8.1.** Солиқларни, бюджетга тўланадиган бошқа тўловларни тўлагандан кейин нашриётда қолган фойда тўла-тўқис унинг тасарруфига ўтади ва соф фойдани жамоа манфаатини кўзлаган ҳолда, уни ривожалтиришга, ходимларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида сарф қилиш чора-тадбирларини амалга оширади.

**8.2.** Нашриёт ўз ихтиёрида қоладиган соф фойда ҳисобига нашриёт Уставида назарда тутилган тартибда ва муассис томонидан тасдиқланадиган миқдорларда захира фонди ва бошқа фондларни ташкил этиши мумкин.

## **IX. НАШРИЁТНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

**9.1.** Нашриёт ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли бўлган мулк билан жавоб беради.

**9.2.** Муассис нашриёт мулки етарли бўлмаганда нашриётнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар тартибда жавоб беради.

**9.3.** Нашриёт қошидаги филиал мажбуриятлари бўйича уни ташкил этган нашриёт жавоб беради.

## **X. НАШРИЁТНИНГ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ**

**10.1** Нашриёт ҳисобот даври тугагач ваколатли органларга молиявий ҳисоботни ва рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатларни тақдим этади ҳамда ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг белгиланган тартибда Давлат томонидан сақлашга берилиши учун жавоб беради.

**10.2.** Нашриёт фаолиятини хўжалик юритувчи орган сифатида назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муассис ва бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

## **XI. НАШРИЁТНИ ТУГАТИШ ВА ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ**

**11.1.** Нашриёт Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги қарорига кўра, тегишли равишда Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси билан келишилган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёхуд суд қарорига биноан, қайта ташкил этилади ва тугатилади.

**11.2.** Нашриёт қайта ташкил этилганда ва тугатилганда ишдан бўшатилаётган ходимларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида ҳал қилинади.